

# Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги ШАРТНОМА № 39

10.01.2022 йил

Октош шаҳарчаси.

“Namangan shahar Yangi Namangan tuman hokimligi” куйида “Истеъмолчи” деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар J.Abdullaev шахлигида бир томондан, иккинчи томондан “Тўрақўрғон нефт базаси” масъулияти чекланган жамиятининг куйида “Етказиб берувчи” деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Ш.Файзиев шахлигида, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. “Етказиб берувчи”, “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”нинг талабномада кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва куйида келдирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади. Жадвалдаги нефт маҳсулотлари нархлари ёки автобензин маҳсулоти нефт омборига қараб тури (Ли-80, Ли-92, Ли-95) ўзгариши мумкин.

Нефт маҳсулотларининг тури	Ўлчам миқдори (тонна)	1 тонна нархи (сумма)	Тахминий умумий суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича									
				I-чорак		II-чорак		III-чорак		IV-чорак			
				тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма		
Бензин АИ-92	0,690	13 000 000	8 970 000	0,69 8970000									
Бензин АИ-80		11 000 000											
Учок ёқилғиси		10 000 000											
Диттонлино		11 400 000											
<b>ЖАМИ:</b>	<b>0.690</b>		<b>8 970 000</b>	<b>0,69 8970000</b>									

1.3. “Истеъмолчи” маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси **8 970 000** сўмини ташкил қилади.

## 2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

2.1 Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ўз автотранспортида, маҳсул автотранспортида (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб бериллади. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташишда куйидагилар барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда «Етказиб берувчи»га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича молиявий эътирозни йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда автоцистерналарга маҳсулот куйишга рухсат берилмайди.

2.2 “Истеъмолчи”да нефт маҳсулотларини сақлаш учун идоровий нефт омбори ҳамда нефт маҳсулотларини ташиш учун маҳсул автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт маҳсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Етказиб берувчи”нинг омборидан “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Истеъмолчи”нинг маҳсул автотранспорт воситасида нефт маҳсулотларини ташиш “Хавфли юкларни ташиш қондалари”га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Аке ҳолда транспорт воситаси “Етказиб берувчи” нефт омборига киритилмайди.

2.3 Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га “Етказиб берувчи”нинг маҳсул транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Истеъмолчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Истеъмолчи”нинг омборида “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт нақлиётига имзо қўйилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш бевосита “Истеъмолчи” вакилининг хоҳишига кўра “Етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилиши мумкин.

2.4 Нефт маҳсулотлари “Етказиб берувчи”га тегишли бўлган ёнилги таркатиш шахобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун “Истеъмолчи”нинг ишчиномасига мувофиқ маҳсулотни ёкилги таркатиш шахобчасидан олиш тўғрисида рухсатнома расмийлаштирилади. Мазкур рухсатнома “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан ёнилги таркатиш шахобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида таркатиш варақаси юритади. “Истеъмолчи” вакилига берилган маҳсулот миқдори таркатиш варақасига киритиб борилади. Таркатиш варақасида “Истеъмолчи”нинг вакилининг маҳсулотни миқдоран тўлиқ олишнинг тўғрисида имзо қўйилган сана, «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5 Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг манзилига транзит тартибда темир йўл транспортида етказиб берилганда, темир йўл накладнойига юкни ташишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни қабул қилиш амалдаги “Нефт, газ конденсати ва нефт маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш ва ҳисобини юритиш бўйича қўлланма”га мувофиқ амалга оширилади.

2.6 Маҳсулотга эгалик ҳуқуқи, тасоифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» шартнома мажбуриятини бажарган санадан эътиборан «Истеъмолчи»га ўтади.

2.7 Нефт база омборига маҳсулот куйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот куйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик “Истеъмолчи” зиммасига, маҳсулот маҳсул автотранспортида ташиладиган бўлса, транспорт ташкilotи зиммасига тушади.

2.8 Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи)нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) нефт база ёки унинг бўлиналари томонидан амалдаги меъерий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш “Истеъмолчи”нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.9 “Етказиб берувчи” нефт маҳсулотлари таъминотининг узиллишлари нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб берилганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

## 3. ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1 Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тўлов топширикнома асосида амалга оширилади.

3.2 “Истеъмолчи” олаётган нефт маҳсулотлари партияси учун ҳақини олдиндан қамида 5 кун олдин 100% миқдорда «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига ҳақ тўлайди.

3.3 “Етказиб берувчи” нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”га ўтган Хафтадаги биржа савдолари натижаларига кўра шакланган ўртача биржа нархларидан келиб чиқиб, «Етказиб берувчи»нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари ҳамда устамасини қўшиб шакланган нархларда сотади. Бунда «Етказиб берувчи» “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотлари расмийлаштириш кундаги нарх бўйича ҳисоб китоб қилади.

3.4 Шартнома суммаси нефть маҳсулотларини “Етказиб берувчи” таъминотини биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть маҳсулотини ташиш билан боғлиқ темир йўл харажатлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектнинг сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефт маҳсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланади.

4. НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИНИ КАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

- 4.1. Нефть махсулотларининг миқдори ва сифати буйича қабул қилиб олиш куйидагича амалга оширилади:
а) «Етказиб берувчи» нефть базасидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть махсулотини олиб чиқиши қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали.
б) «Истеъмолчи» транзит орқали махсулотларни қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йуриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритили.
4.2. Эгаллик ҳуқуқи тасодифий ноқуд бўлиши, махсулотга зиён етиши хавфи «Етказиб берувчи» корхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи» га утади.
4.3. Нефть махсулотларини миқдор ва сифати буйича «Истеъмолчи», «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмолчи молларини миқдори ва сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида» ги йуриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

- 5.1. «Истеъмолчи» нефть махсулотларини олаётган вақтда жойнда махсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.
5.2. Етказиб бериладиган махсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу махсулот ортиш ва кузагувчи ҳужжатларда қайд этилиши лозим.
5.3. Нефть махсулотларини олган истеъмолчи уларнинг сифатини шуингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Шартноманинг ҳар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.
6.2. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефть махсулотларини етказиб беришни қўйишга ҳақлиқ. Ҳар икки томон нефть махсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

Нефть махсулотларини ҳисоб — қитбои ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.
6.3. «Истеъмолчи» нефть махсулотларини саклашнинг техникавий шарт- шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.4. «Истеъмолчи» томонидан унинг ҳудудига олиб келинган нефть махсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

6.5. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть махсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган махсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлабди ва Етказиб берувчи олинмаган махсулот учун махсулотнинг тузлик қийматини ҳисаблаш ҳуқуқига эга.

6.6. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунга биноан қўлланилади.

6.7. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома буйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжаларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларини амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайдилар, ваъда бермайдилар, товламачилик қилмайдилар, пора сифатида пул тўламайдилар, бевосита ёки билвосита пора олишга роҳлик бермайдилар ёки ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўчаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қийматликлар ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаглик буйича чоралар кўрилишига қаролат беради.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

- 7.1. Ҳар икки томон ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар:
- агарда табиий офат, сув тошқини, ёнгин, зилзила ва бошқалар оқибатида юз берса,
- нефтьни қайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш ҳужжи ва муддати узгартирилганда, шунингдек АЕКШлар ва нефть база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунни белгилловчи ташкилотлар қарорига асосан нефть махсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига узгартириш киритилган ҳолларда.

8. ҚўШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX XXXXXXXXxxxxxxx

9. ИМЗОЛАРИНИ КҮРИБ ЧИҚИШИ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШИНИ ТҲТАТИШИ ТАРТИБИ

- 9.1. Мазкур шартнома киритилган ҳар қандай узгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.
9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон муस्ताқил ҳал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда ик்தисодий судларида ҳал этилади.
9.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий қучга эга.
9.4. Шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан қучга қиради ва 2022 йил 31 декабрғача амал қилади.

10. ТОМОНЛАРИНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Таъминотчи»

«Тўрақўрган нефть базаси» МЧЖ

Х/р: 22604000204267762705

МФО: 00432 ИНН: 204585174

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

Тошкент ш. Яшнобод филиали

Октом ш. Бобур кўча 2-уй

И.Файшев

ИСББ: Хусанбоев

Юриконсулт: Х.Мухсидинов

«Истеъмолчи»
NAMANGAN SHAHAR
«Namangan shahar davlat hokimligi»
Yuridik manzilgohi: Yangi Namangan tumani
Oromqoh MFY Afrosiyob ko'chasi, 25b-uy.
Tel: 69 228 4447
Sh.h.r. 100228604401201204012010
Bank: Toshkent sh., Markaziy bankning Toshkent sh.
XKKM, STR: 308617238, MFO: 00014.
O'zbekiston Respublikasi Molliya vazirligi Gaznachiligi
H/r: 2340 2008 3001 0000 1010.
Bank: Toshkent sh., Markaziy bankning Toshkent sh.
XKKM, STR: 20112319, MFO: 00014.
Razbar: J. Abdullaev
HUGJATERIYA
HUJJATLARI
UCHUN



Хуқуқий ҳулоса: Мазкур шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига ва Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонун талабларига зид эмас.

Хуқуқшунос: Х.Мухсидинов.